O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI
INV.№

Ислом КАРИМОВ:

БИЗ КЕЛАЖАК ЁШЛАРНИКИ, ДЕГАН ГАПНИ КЎП АЙТАМИЗ. КЕЛГУСИ НАСЛЛАРГА БИЗДАН ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛИШИНИ ОРЗУ ҚИЛИБ ЯШАЙМИЗ. БАРЧА ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА АНА ШУ ОЛИЖАНОБ МАҚСАД МУЖАССАМ. БИЗ ШУ АЗИЗ ДИЁРДА НАФАҚАТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ, БАЛКИ НЕВАРА-ЧЕВАРАЛАРИМИЗ, ЙИРОҚ-ЙИРОҚ АВЛОДЛАРИМИЗ ҲАМ ТИНЧ-ОМОН, ФАРОВОН, БАХТЛИ-САОДАТЛИ, МАЪРИФИЙ ҲАЁТ КЕЧИРИШИНИ, ЎЗБЕКИСТОН ДЕГАН ЮРТ, ЎЗБЕК ДЕГАН НОМ ДУНЁ ТУРГУНИЧА ТУРИШИНИ ИСТАЙМИЗ.

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ozbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 ЙИЛ 1 АВГУСТ СЕШАНБА № 87 (26.637)

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР

Мухтабар ТОЖИБОЕВА, ЎзХДП Марғилон шаҳар «Зуҳра» маҳалласи ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби:

КЎНГЛИМИЗ ХОТИРЖАМ — КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БОР!

— Бугун одамларнинг онгидаги ўзгариш хийла ошган. Кишилар яхши яшаш, фаровон турмуш кечириш учун тинибтинчимай меҳнат қилиш, ишнинг кўзини билиб ишлаш зарурлигини билиб қолишди. Энди ҳеч ким бировларнинг қўлига қараб, аниқроғи, давлат берса ейман, бермаса оч ўтираман, деб яшаб бўлмаслигини англайди. Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир одамдан фаолликни талаб қилади. Эндиликда мудроқлик билан, куним ўтса бўлди деб, турмуш кечириш мумкин эмас. Ҳаттоки, қишлоқларимизда, маҳаллаларимизда ҳам каттаю кичик ўз ҳаётини яхшилаш ўзига боғлиқлигини сезиб қолишди.

Халқимиздаги меҳр-оқибат, бир-бирини асраш — ўзбекчилик фазилати миллий истиқлолимиз даврида янада муҳимроқ маъно касб этди. Чунки, жипслашган, бир ёқадан бош чиқарган, бир мақсад йўлида фидойилик қилишга тайёр бўлган халқгина ўз озодлигини асраб қолади. Кўз тегмасин, юртимизга Хизр назари тушган. Чўпни ёки таёқни ерга қадасангиз ҳам кўкаради. Айниқса, бу йил Ўзбекистон боғлари мева-чевага ғарқ тўлди. Бозорларимиз янада кўркамлашиб кетди. Одамлар орасида 2000 йил файзли келганлиги эътироф этилмоқда. Ҳақиқатан ҳам 2000 йил халқимиз учун ҳар жиҳатдан қутлуғ келди. Шу билан бирга келажакдаги тақдир аъмолимизни белгилаб олдик. Чунки бизнинг бугунги ҳар бир ишимиз эртанги кун ёруғлиги учун қўйилган муҳим қадам эканлигини унутмайлик. Ватанимиз тараққиёти учун тиниб-тинчимай меҳнат қилсак, вақтни беҳудага ўтказмасак, мен ўзи шу Ватанга керакманми, деб савол берсак ва шу жавоб қаршисида довдираб қолмасак, билингки, кунимиз шунчаки ўтмаяпти.

Кези келганда айтайин, маҳалламизда бошланғич партия ташкилоти қошида «Ўтюраклар» клуби ташкил этилган. Бунда ёшларимизни иш билан таъминлаш, улар билан турли хил машғулотлар ўтказиш, маҳалладаги ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш, хуллас, тўй-азада беминнат хизмат қилиш юмушлари кўнгилдагидай бажарилади. Айниқса, ёшлар ичида енгил-елпи ҳаётга кўникиш, енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиш пайида бўлиш кайфиятига йўл қўйилмайди. Маҳалла иноқлиги ўша жойнинг файзли-баракали эканлигини кўрсатади.

Менинг назаримда мустақиллик ҳар бир нарсага — юртимизнинг гиёҳидан тортиб тоғларигача барибарисига меники деб қарашни ўргатди. Чиндан ҳам барча бойликларимиз ўзимизники бўлди. Мен мана шу хотиржамлик ва осойишталик замирида фарзандларимизнинг келажаги ёрқин эканлигини кўраман. Шу ёрқин лаҳзалар эса ҳар биримизнинг ҳаётимизда унутилмас кунлар бўлиб қолади.

■ **Рукн учун масъуллар: Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ**

«УМИД» ГРАНТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

29 июль куни Банкларо молиявий хизматлар марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг 2000 йилги грантлари совриндорларини қутлашга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда танлов ғолиблари, уларнинг ота-оналари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ташкил этилган «Умид» жамғармаси иқтисодиёт, молия, маркетинг, менежмент, ҳуқуқ, экология, инжиниринг, қишлоқ хўжалиги, табиий фанлар ва санъат соҳасида замонавий билимлар эгаллаш борасида кенг имкониятлар яратиб берувчи муҳим институтлардан бирига айланди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг грант совриндорларига табригини ўқиб эшиттирди. Иқтидорли ёшларга оталарча меҳр-муҳаббат, самимий истаклар изҳор этилган табрик хатида стипендиатлар ўқишни муваффақиятли якунлаб, она-Ватанга қайтгач, кучли ва гуллаб-яшнаётган давлат барпо этишда фаол иштирок этишларига қатъий ишонч билдирилган.

Германиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхард Биндзайл ва Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар ўз чиқишларида чет элда таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг билим савияси юксак эканлигини қайд этишди. Элчиларнинг фикрича, чет элда таълим олаётган ҳар бир ўзбекистонлик талаба Ўзбекистоннинг ўзига хос элчиси бўлиб, ўзида мамлакатининг маданий тараққиётини мужассам этади.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 1-ўрта мактаб ўқитувчиси — грант совриндорининг онаси Сайёра Мусаеванинг сўзлари иштирокчилар қалбини, айниқса тўлқинлантириб юборди. У ўз чиқишида ёш авлодга ота-оналари ўз вақтида ҳатто тасаввур қила олмаган чет элда ўқишдек имконият яратиб берилгани учун республика ҳукуматига самимий миннатдорлик билдирди.

Грант совриндорлари номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига битилган миннатдорлик хати ўқиб эшиттирилди. Унда чет элда ўқиш имконияти яратиб берилгани учун миннатдорлик ҳамда озод демократик давлат қурилишига муносиб ҳисса қўшиш ҳақида ваъда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова грант совриндорларига сертификатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг эсдалик соатларини топширди.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини олишга даъвогар бўлган 1300 номзоддан энг юқори билим савиясини намойиш қила олган 124 йигит ва қиз чет элларда ўқишга тавсия қилинди. Танловнинг 75 нафар ғолиби Буюк Британияга, 24 нафари Германияга, 8 нафари АҚШга, 8 нафари Канадага, 8 нафари Францияга, 1 талаба Италияга юборилади. Улар Бирмингем, Манчестер, Ноттингем, Йель, Колумбия университетлари каби дунёнинг машҳур ўқув даргоҳларида таълим оладилар.

Шунингдек, янги 2000-2001 ўқув йилида ўтган йиллар давомида грант совриндорлари бўлган 330 нафар талаба ўқишни давом эттиради.

Бугунги кунда «Умид» жамғармаси томонидан 1997-1999 йилларда чет элларга ўқишга юборилган 625 грант совриндоридан 120 нафари ўқишни муваффақиятли якунлади. Битирувчилардан 53 нафари вазирликлар, Давлат қўмиталари, Марказий давлат идораларида, 28 нафари молия-банк тизимида, 17 нафари ассоциациялар, концернлар ва корпорацияларда, 11 нафари илм-фан муассасаларида, 11 нафари вилоят ҳокимликларида фаолият кўрсатмоқда. Йил охиригача яна 170 талаба ўқишни якунлайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг нуфузли, юқори халқаро рейтингга эга бўлган университетларида чуқур билим олиб қайтаётган ўзбекистонлик ёш мутахассислар салоҳиятли авлод кадрлар таркибини бойита бориб, ҳаётимизнинг муҳим соҳаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида баён этилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ислоҳотлар дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

■ **(ЎзА)**

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАСИ

Садафгина маржонмидинг, дурмидинг,
Тонгдай тоза, фариштадай нурмидинг,
Ўзбекона меҳр менман дермидинг,
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.
Мўъжиза-ку етти рангли камалак,
Атласмикин, барқутмикин ё ипак,
Тут баргидан яралган ҳайрат демак
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.
Уй тўрида иззатланган фарзандим,
Меҳнатимдан зумрадланган оқ қандим,
Отамерос касбим — қадри баландим
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.
Сахий юртга кўзмунчоқдай зеб тушган,
Жайрон-жайрон келинларга сеп тушган,
Бунча сенинг хислатларинг кўп тушган
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.
Заргар элнинг йўли ёруқ мунаввар —
Топгани зар, тутгани зар, қўли зар —
Ер юзини ясатмоғи муқаррар
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.
Ихлос қилсанг келгай Хизрдан дуо,
Мисқолинг ҳам кўзимизга тўтиё,
Ният қилдик, юксалавер! Бисмилло
Ўзбекистон пилласи, Ўзбекистон пилласи.

■ **Сайёра ТЎЙЧИЕВА**

ОҚ МАРЖОН, ДУР МАРЖОН

Бу йил мамлакатимизда пилла етиштириш борасида салмоқли марра кўзланган эди. Лекин кутилган натижага эришилмади. 22 минг 500 тонна ўрнига 19 минг 206 тонна ҳосил олинди холос. Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларини мустасно этганда қолган вилоятларнинг хўжаликлари ишда қатор сусткашликка йўл қўйдилар. Мавсум бошланишида ипак қурти уруғи бироз кам тарқатилди. Агротехника қоидаларига риоя этилмади, уруғлар кеч жонлантирилди, иссиқ кунларга қолинди, уруғлар касаликка чалинди. Пировардида бир неча юз тонна пилла намлиги туфайли бой берилди.

Бу камчиликлар мамлакат пиллакорларининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган кенгашида тилга олинди. Ўз-ўзини танқид асносида олиб борилган йиғилишда ишдаги бир қатор камчилик ва хатоликлар очиб ташланди. Анжуманда йил охиригача бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

■ **Абдулла ПЎЛАТОВ**

ДАВОЛАШ МАСКАНИ ОЧИЛДИ

Хўжайли шаҳри «Гўшт комбинати» қўргонида янги даволаш маскани фойдаланишга топширилди.

— Даволаш маскани эски бинода жойлашган бўлиб, янги бино қурилиши тўхтаб қолган эди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига бош шифокор Азиза Қулжонова. — Тумандаги «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси маблаг ажратгач, қурилиш давом эттирилди. Натижада жорий йил бошида бино фойдаланишга топширилди. Ҳозир бу ерда 24 нафар шифокор ва ҳамшира 11680 нафар кишига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шифокорлик маскани замонавий тиббий ускуналар ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланган.

ҲОДИСА

Шу йилнинг 27 июль куни соат 23 дан 40 дақиқа ўтганда техник носозликлар оқибатида Кўкдумалоқ кони конденсат парки резервуарларининг бирида ёнғин содир бўлди. Резервуарнинг сиғими катталиги сабабли ёнғинни тўхтатишнинг иложи бўлмади. Натижада ёнғин 2- ва 3-резервуарларга ҳам ўтди.

Воқеа содир бўлган жойга ёнғинни ўчириш учун зарур бўлган барча воситалар ва материаллар жўнатилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ёнғин тўхтатилди. Қурбонлар ва жабрланганлар йўқ.

Ҳодиса сабабларини аниқлаш учун Бош вазир Ў. Султонов бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди.

■ **(ЎзА)**

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

БИЛИМЛАР СИНОВИ

Бугун республикамизнинг барча олий ўқув юртларида тест синовлари бўлиб ўтади. Узоқ кутилган ва катта ҳозирлик кўрилган, халқ ибораси билан айтганда, элакни сувдан кўтарадиган кун келди. Кеча мактаб билан хайрлашган, етуклик гувоҳномасини кўксига босганча институтга ҳужжат кўтариб келган ва бугун ҳаяжон билан ўз навбатини кутиб турган абитуриентга ҳам осон эмас. Бугунги абитуриент ортида нафақат унинг орзу-ҳаваслари ва яқинлари, балки мактаблари эшигини ланг очиб кўйган, ўн йил мобайнида таълим берган, ўз келажагини ишониб топшираётган юртнинг, миллатнинг тақдири ётибди. Биз буюк давлатни бугун юраги қаттиқ ураётган, лаблари унсиз пичирлаб, атрофга ҳайрат кўзи билан боқиб турган, илм истаб, шоир ёки олим, ўқитувчи ёки муҳандис бўлиш орзуси билан ёнган ана шу ёшлар қўли билан қурамиз. Уларнинг орзуси — бизнинг орзуимиз. Уларнинг тақдири — бизнинг тақдиримиз. Миллатнинг тақдири...

Бизни нурли манзиллар кутаяпти. Бу манзиллар бизни ёруғ келажакка элтади. Биз ёруғ келажакка ёлғиз кириб боролмаймиз. Бугунги ёшлар билан кириб борамиз янги асрга. Демак, ёшларнинг орзу-умидларини, интилишларини асрамоқ зарур. Уларнинг борлиги биз-нинг бахтимиз. Улар бизга далда беради. Эртанги кунингга, келажагингга умид уйғотади улар. Уларни алдаб бўлмайди. Уларнинг нигоҳига боқиб ўзингни англайсан...

... Бугун катта синов. ***Ўзинг ва йўлинг ёруғ бўлсин, абитуриент!***

■ **Шуҳрат ОРИФ**

БУЮРТМАГА ЗОЛДИРЛАР

«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимиз кончилик саноати учун пўлат золдирлар етказиб берувчи ягона корхона ҳисобланади.

Бу ерда тайёрланаётган шундай маҳсулотлар ёрдамида Олмалиқ ҳамда Зарафшон кон-металлургия комбинатлари ишлаб чиқаришида қаттиқ тоғ жинслари майдаланмоқда деб ёзади мухбиримиз Соҳибжон Салимов.

Эндиликда эса буюртмачиларнинг талаби эътиборга олиниб 120 миллиметр ўлчамдаги ана шундай золдирларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳозирлик кўрилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 1 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1 Австралия доллари	164,57	10 Люксембург франки	64,29
1 Австрия шиллинги	18,85	1 Малайзия рингити	73,41
1 Англия фунт стерлинги	420,99	1 Германия маркаси	132,60
10 Бельгия франки	64,29	1 Польша злотийси	64,60
1 Голландия гульдени	117,69	1 СДР	368,59
10 Греция драхмаси	7,70	1000 Туркия лираси	0,44
1 Дания кронаси	34,80	1 Финляндия маркаси	43,62
1 БАА дирхами	75,95	1 Франция франки	39,54
1 АҚШ доллари	278,93	1 Швейцария франки	167,35
1 Миср фунти	80,27	1 ЕВРО	259,35
10 Испания песети	15,59	10 Жанубий Корея вони	2,50
100 Италия лираси	13,39	10 Япония иенаси	25,60
1 Канада доллари	189,40	1 Россия рубли	10,03
1 Хитой юани	33,69	1 Украина гривнаси	51,29

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



СУРАТЛАР АЙБЛАЙДИ

Бозор ўз номи билан бозор. Аммо, Нукус шаҳар «Орайлиқ базар» (марказий бозор) очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидаги мавжуд аҳволни кўриб дилингиз ранжийди. Ушбу бозорда санитария ва гигиена қоидаларига умуман риоя қилинмайди. Ҳар ким истаган жойида, хоҳлаган нарсаси билан савдо қилаверади. Хўжасизлик шу даражага бориб етганки, қаерда нима сотилаётганини ҳам англамайсиз. Қолаверса, савдо қилаётган деҳқон учун ҳам, харидор учун ҳам шароит йўқ. На боши, на адоғи бўлмаган марказий бозорнинг «фаолияти» наҳотки бозор мутасаддиларини ташвишга солмаса?

Суратларда: Нукус шаҳридаги марказий бозорнинг бугунги аянчли аҳволидан лавҳалар.

■ **Омонбой МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.**

САВОДХОНЛИК — ИСТИҚБОЛИМИЗ ТАЯНЧИ

Қумқўрғон тумани маданият ишлари бўлимига қарашли марказий кутубхонада ҳозир 10 минг 500 га яқин китоб мавжуд. Бўлим ихтиёридаги 28 та кутубхонада эса 177 мингдан ортиқ турли мавзулардаги китоблар бор. Бундан ташқари марказий кутубхонада 40 номдаги газета ва журналлар ҳам тахланиб борилмоқда. Бу анъана маҳалла ҳудудларидаги зиё масканларида ҳам жорий этилган. Яқинда туман кутубхоналарига 67 турдаги янги бадиий, илмий ва болалар адабиётлари тарқатилди. Шинам ва ҳар доим ўқувчилар билан гавжум марказий зиё масканларининг услубият хонасида эса миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга оид кўргазма, қишлоқ кутубхоначиларига услубий ёрдам бурчаги ва турли кўргазмалар ташкил этилган. «Китобхонларга кутубхона ишларини яхшилаш» мавзуидаги вилоят миқёсидаги семинар ҳам ушбу туманда бўлиб ўтди.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ДАСТУРИ ВА

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингач мамлакатда кўппартиялилик тизимининг қарор топиши ва ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Демократия ривожланган давлатларда қабул қилинган тамойил ва ёндошувларга мос тегишли ҳуқуқий замин яратилди. Ушбу жараён 1991 йил охирларида ёш мустақил давлатнинг сайлов ҳуқуқига доир дастлабки ҳужжатлардан бири — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши билан бошланган эди.

Мамлакатда кўппартиялилик тизимининг ҳуқуқий пойдеворини бунёд этишнинг замини яратилди. 1992 йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан мамлакатда парламент демократиясининг жаҳон андозаларига мос сиёсий плюрализм (хилма-хиллик), кўппартиялилик тизимини шакллантиришнинг тамал тоши қўйилди.

Мамлакатда асосий конституциявий қоидалар негизида бутунлай янги сайлов қонунчилиги яратилди. 1994 йилдаёқ, парламент сайлови кўппартиялилик асосида ўтказилди. Унинг натижасига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси ва, сайлов ўтиши биланоқ, ташкил топган «Адолат» социал-демократик партияси Олий Мажлисда ўз фракцияларини туздилар.

Шундан сўнг ўтган беш йил Олий Мажлисга ўз вакилларининг сайланишига эришган сиёсий партиялар учун парламентчилик фаолиятига оид тажриба орттириш ҳамда сайловчиларнинг янада кўпроқ хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлашига етишиш даври бўлди.

Шу даврнинг ўзида мамлакат раҳбариятининг туб ислоҳотларни ўтказишга қаратилган стратегик йўлига мувофиқ, юртимизда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаштиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари жўшқин давом этди. 1996 йил охирларида Сиёсий партиялар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши, сиёсий плюрализм ривожланиши нуқтаи назаридан, муҳим қадам бўлди. Айни замонда, умумбашарий демократик меъёрлар ва қадриятлар ҳамда мустақиллик йилларида тўпланган демократик ўзгаришлар тажрибаси асосида сайлов тўғрисидаги қонунчилик ривожлантирилди.

Шу даврда янги сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши мамлакат аҳолиси сиёсий фаоллигининг ошиши ва унинг сиёсий манфатлари хилма-хиллигининг ўзига хос инъикоси бўлди. 1995 йил ўрталарида «Миллий тикланиш» партияси ташкил топди. 1998 йил охирларида эса мамлакатдаги мавжуд сиёсий партиялар қаторига Ўзбекистон «Фидокорлар» Миллий демократик партияси қўшилди.

Шундай қилиб, 1999 йилги сайлов мавсумида сайловчиларнинг хайрихоҳлиги ва қўллаб-қувватлашига эришиш учун бешта сиёсий партия мусобақалашди. Ўша йилнинг 5 декабрида бўлиб ўтган сайловларда уларнинг ҳаммалари ўз вакилларининг Ўзбекистон Олий Мажлисига сайланишига муваффақ бўлдилар.

Ўтган сайловлар сайловчиларнинг юксак фаоллигини, уларнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришда фаол иштирок этишга қизиқиши ортаётганлигини ифода этди. Бу билан улар жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг нафақат эркин демократик ривожланиш тамойиллари тарафдори эканликларини, балки, ушбу тамойилларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этаётганларини намойиш этдилар.

Жаҳон ҳамжамияти ушбу жараёнларни диққат билан кузатмоқда. Бу — табиий ҳол. Чунки, у мустабид шўро иттифоқи емирилишидан сўнг Ер куррасининг олтидан бир қисмида пайдо бўлган давлатлар тараққиётининг қайси йўлдан боришига бефарқ бўлолмайди. Зеро, минг йилликлар тарихий алмашуви арафасида турган жаҳон цивилизациясининг тақдири, кўп жиҳатдан, шунга боғлиқ бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан, Ўзбекистонда рўй бераётган туб ўзгаришлар хусусида хориж оммавий ахборот воситаларида кўплаб фикрлар билдирилмоқда. Уларнинг аксариятида жамиятни босқичма-босқич демократиялаштириш жараёнларининг жўшқин, унинг, умуман олганда, маданий-маърифий дунёда қарор топган вакиллик демократиясининг асосий тамойил ва меъёрларига мослиги қайд этилмоқда. Жумладан, 1999 йил сайловлари арафасида кенг тарқалган фикрлардан бири шу эдики, «сиёсий мухолифатнинг сайловларда қатнашмаслиги сабабли, бўлажак сайловларнинг демократик тарзда ўтиши мушкул» эмиш.

Бундай мулоҳаза, биринчи навбатда, сайловларда иштирок этишга бел боғлаган сиёсий партиялар дастурий мўлжалларининг бир-бирига яқинлигига асосланган бўлиши мумкин. Чунки, уларнинг биронтаси ҳам Ўзбекистонда, мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг, юритилаётган расмий сиёсий йўлга қарши чиққани йўқ.

Хўш, бу ҳақда нима дейиш мумкин?

Биринчи. «Партия ва сиёсат» мавзуига оид биринчи мақолада таъкидланганидек, бир-бири билан муросасиз қарама-қарши туриш сиёсий курашнинг шакли сифатида тарихнинг қайтмас мулкига айланмоқда.

XX аср бошларида сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кўпгина мамлакатларда асосан турли, кўп ҳолларда бир-бирига тубдан зид бўлган, дастурларнинг рақобатини билдирар эди. Бундай шароитда у ёки бу сиёсий партиянинг жамиятда етакчи ўринни эгаллаши ёхуд ҳукмрон партиянинг бошқа партия билан алмашиниши, одатда, ижтимоий ривожланиш мақсадларининг кескин ўзгаришига олиб келар эди. Бу эса, ўз навбатида, вазиятнинг беқарорлашишига сабаб бўлар эди. XX аср ниҳоясида дунёда тамомила бошқача тамойиллар қарор топмоқда. Тобора кўпроқ давлатларда ижтимоий шериклик муносабатлари барқарорлик ва тараққиётнинг табиий замини бўлиб қолмоқда. Уларнинг негизида ижтимоий ривожланишнинг, вужудга келган манфаатлар мувозанати туфайли, электорат (сайловчилар)нинг кўпчилиги томонидан мунтазам қўллаб-қувватланаётган, устуворлик ва қадриятлар тизими шаклланмоқда.

Табиийки, бундай шароитда гап у ёки бу сиёсий дастурни рўёбга чиқариш устида эмас, балки, турли сиёсий партияларнинг жамият манфаатларига мос ва унинг томонидан қўллаб-қувватланаётган тараққиёт йўлини амалга оширишда иштирок этиши даражаси тўғрисида боради.

Иккинчи. Албатта, мамлакатда давом этаётган демократиялашув жараёнларига бир томонлама қараш, уларни бенуқсон қилиб кўрсатиш ҳам нотўғри бўлар эди. Ўзбекистон демократиялаштириш йўлига кирганлигини унутмаслик керак. Бу, масалан, шу нарсада намоён бўлдики, плюрализм қарор топиши жараёнида ташкил топаётган сиёсий партиялар ўз дастурий қарашларини ишлаб чиқишда, авваламбор, жамиятда кенг маъқулланган ғояларга мурожаат этдилар. Деярли барча сиёсий партияларнинг 1999 йилги сайловларгача мавжуд бўлган дастурий ҳужжатларида рақиб партияларнинг дастурларидаги қоидаларини муайян даражада такрорлаш, ортиқча даъватқорлик, аниқлик етишмаслиги кўзга ташланар эди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов ўзининг қатор чиқишларида ушбу ҳолатга эътиборни қаратиб, **сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг сайлана-**

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000

ШУКРОНА ОЗОДЛИКНИНГ АЛЁР ҚУШИҒИ

Азалдан Фарғона водийси Парихона, яъни парилар юрти деб аталган. Шунинг учунми, водийнинг узоқ туман ва қишлоқларига чиқсангиз, маҳаллий аҳоли тилида Парихонадан меҳмонлар келишди, деб кутиб олишади. Тарихнинг ривожланиши ва тараққиётнинг ўсиб бориши замирида бу ном миллий халқ тилида ҳозирги Фарғона сўзига айланиб кетган.

Қадим ровийларнинг ривоят қилишларича, ҳар гал кўклам, дарахтлар қийғос гуллаб, яшил майсалар гиламдай тўшалган водийда қуёш ботиб, тўлин ой салтанати қарор топган паллада афсонавий Сайҳун дарёсидан юзлари сутга чайилган, қирмизи олов дудоқли гўзал сув парилари чиқиб, тонгга қадар базму жамшид, шеърхонликлар қилишиб, шоду хандон бўлишар экан. Лекин баъзи бир шўху шодон бўйдоқ йигитлар дарахтлар, шох-шаббалар ортидан кузатиб, мана бу барнога ошиқу беқарор бўлдим, деган хаёл ўтди дегунча, сув парилари кўздан ғойиб бўлишар экан. Ва бир оз фурсат ўтиши билан ўзлари кўринмас эмишу, лекин дарёга отилиб тушган «чўлпчўлп» овозлари атрофни тутиб кетар экан. Бундай афсонавий гўзал сув парилари ошиқу беқарор бўлган марду майдон йигитлар бир умрга муҳаббат ҳажрида гўзал маҳбубасининг висолига етишни сўраб, Оллоҳдан илтижо ва ибодатлар қилиб, шоиру даврон ва хушовоз, дилбар ҳофизларга айланиб қолишган эмиш...

Тарихнинг латиф хотиралари боис бўлса керак, водийда гўзал Ватан ишқини, меҳру муҳаббатни, севги-садоқатни куйловчи шоиру даврон, ёзувчилар, дилбар ҳофизу санъаткорлар бир талай. Кўҳна Турон тарихи гувоҳ, давру даврон эса кўриб турибди. Парилар юртининг сўлим боғларию оромижон, дилтортар гўшаларида ҳали-ҳанузгача ҳаққа бўлган ишқ сеҳрини, севги-садоқатни тараннум этувчи дилором базму жамшидлар ва ичакузди аскиябозликлар давом этиб келмоқда.

— Халқнинг, миллатнинг дарду армонини куйлаётган шоир, муҳтарам устоз Эркин Воҳидовнинг:

Сўрма мендин ким дилоро, дўстми ё жонона деб,
Дўст менинг ёнимдадур, жонон эса жонимдадур, — дейишларининг ўзида ҳам жон бор. Чунки у киши ҳақиқий парилар юртининг жонфидо шоиридир. Яна ул зоти мукаррамнинг:

Сен хило, юлдуз салиб, Таврот, Забурдан юксалиб,
Боймисан ёки ғариб, Комрон ўзинг, яксон ўзинг

— деб куйланувчи ғазалларига ажойиб куй басталаб, маромига етказиб хониш қилган. Меҳру садоқатни, иймон-адолатни куйловчи шоиру даврон, ажойиб инсон, табаррук устоз Охунжон Ҳакимнинг:

«Дунё, дунёсан, бир кам дунёсан,
Кимни хўрлаб, кимни суясан, бир кам дунёсан!» — деб, бутун дунёни забт этаётган таниқли қўшиқ юлдузи Юлдузхонимларнинг ҳар иккиси ҳам сарвари коинот Оллоҳ назари тушган афсона юртдан. Шу ўринда устоз ҳақида ажойиб аския айтилган. Пойтахтнинг забардаст адибларидан бири устозга қарата: «Телевизорни, радиони қўйинг, ҳаттоки дазмолни қўйсангиз ҳам Охунжон Ҳакимнинг қўшиқларини куйлайди», — деб айтганлари ҳали ҳануз гўзал давраларда тилга олиниб келинади. Мумтоз адабиётимизнинг қаландарона шоиру даврони Машрабнинг «Ўртар» ғазалига ажойиб куй басталаб, муҳаббатни буюк бир илоҳий чўққиларга кўтарган, қадим Ҳўқанди Латифнинг марҳум ҳофизи Муроджон Аҳмедовлари, ғазал мулкининг яна бир ошуфта шайдоси Зокиржон Фурқат ва ул зоти мукаррамларининг:

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар, —

деб бошланувчи ғазалига куй басталаб, булбулигўё ғонишлар бирла дилларни титратиб, куйлаб ўтган марҳум устоз Таваккал Қодиров, пойтахт Тошканти азимда ўзининг ичакузди ҳангомаларини Гулмат ҳандон тилидан айтиб ёзгувчи, «Аламазон ва унинг пиёдалари», «Ялтироқ тугмали йигитча» ҳикояларининг саргузашт қаҳрамони, ҳам адиб, ҳам шоир Анвар Обиджон ва бошқа бир қанча адабиёт ва санъат намояндаларини етказиб берган, афсонавий тарихга эга бўлган, жаннатмакон юртда яшаб, ижод қилаётганимдан Оллоҳга беадад шукрлар, ҳамду саноллар айтаман.

Бугун Фарғонамнинг ўтмиш гувоҳи — азим чинорлари майин саболар ичра Ҳақ эшиклари очилиб, нури ҳидоят йўлларида озодликнинг алёр қўшиғини, яшиллик, осойишталик қўшиғини куйлаяпти...

■ **Мадина САЙЙИДЗОДА**

ҒОЗҒОН МАРМАРИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Бугунги кунда Сурхондарёда Хонжиза тоғ ёнбағирларидан топилган мармар конини яқин кунларда ишга тушириш, ишлаб чиқариладиган хомашёни тезроқ халқ хўжалигига етказиб бериш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирча Хонжиза мармарининг сифати Деновдаги вилоятда ягона ҳисобланган мармартошга ишлов берувчи цехда синаб кўрилмоқда. Бу ерда мармартошдан турли ҳажмдаги плиталар тайёрланиши йўлга қўйилган.

Яқинда бу ерда бўлишган италиялик мутахассислар Хонжиза мармарига юқори баҳо беришиб, у Ғозғон ва Нурота мармарларидан сира қолишмаслигини таъкидладилар.

■ **«Туркистон-пресс»**



Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказишга катта эътибор берилмоқда. Мустақилликнинг 9 йиллигига тўёна сифатида бунёд этилаётган Ғаллаорол соноат касб-ҳунар коллежи ҳам сўзимиз исботидир.

— Коллежда туман иқтисодий-ижтимоий ҳолатига мос беш йўналиш — тикувчилик, автотранспорт воситаларини таъмирлаш, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бухгалтерия ҳисоби ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича мутахассислар тайёрланади, — дейди коллеж директори Сабохатхон Қўлдошева. — Ушбу илм маскани юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, касб соҳалари бўйича замонавий техника ва компютерлар билан таъминланади. Коллеж қурилишига жами 400 миллионга яқин маблағ ажратилган.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ХДП ҲАЁТИДАН

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши партия раҳбар кадрлари, шаҳар ва туман ташкилотлари аппарати масъул ходимларининг касб маҳоратини оширишга катта эътибор беради. Ушбу мақсадда семинарлар, котиблар соати, тажриба алмашиш ва ўқишларнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш йўлга қўйилган. Шундай семинарлардан бири яқинда ўтказилди.

Унинг ишида пойтахт вилояти ҳудудидаги барча туман ва шаҳар партия кенгашлари биринчи ва иккинчи котиблари, партия ташкилотчилари, ҳисобга олиш шўъбалари мудирлари ва ҳисобчилар ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар иштирок этдилар. Улар ялпи мажлисда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А.Рустамовнинг партиянинг ҳозирги аҳволи ва унинг фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисидаги маърузасини тинглагандан кейин, шўъбаларга бўлиниб, ХДП ташкилотлари олдида турган вазифаларни амалий ишлар нуқтаи назаридан муҳокама этдилар. Машғулотларда: ички партиявий ишларни ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш; партиянинг мафкуравий ишларини такомиллаштириш; халқ депутатлари вилоят Кенгашида ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳини шакллантириш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш; Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низомига қатъий риоя қилиш ва партиявий интизомни мустаҳкамлаш; шаҳар ва туман партия кенгашларида ҳужжатларни юритиш ва ижрони назорат қилишни яхшилаш каби кўплаб муҳим масалалар муҳокама этилди, шу соҳаларда тўпланган тажриба билан ўртоқлашилди.

Семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари С. Қурбонов, Д. Алиева, А. Николаев, вилоят партия кенгаши биринчи ва иккинчи котиблари С. Аъзамов ва Р. Солиҳов, Бўстонлиқ туман ва Чирчиқ шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари Р. Маҳаматов, Р. Ҳусанов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ташкилий жиҳатдан яхши уюштирилган мазкур семинар, ўйлаймизки, вилоят партия ташкилотлари фаолиятида ўз самарасини беради.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎзРФА ТАРИХ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ХОДИМИ Р.ШИГАБДИНОВ ДАЛА-ҲОВЛИСИДА ЕТИЛГАН КАРТОШКА

ҚОРА ҚИЛМИШ

ҚАБРИСТОНДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Кимдир савоб учун кўприк қурдиради, кимдир иморат барпо қилади. Биров етим-есирлар бошини силаса, яна биров масжид қурдириб, қабристонларни ободонлаштиради. Ўтган боболари руҳи ётмиш қадамжоларга, масжидларга хайрия-садақа тарзида гилам-палос келтириб тўшаган, тўшаётган бироларимиз қанча?

Надоматлар бўлсинким, хайрия-ҳашарлар эвазига тикланган масжидларни оёқости қилаётган, ундаги совға буюмларни Оллоҳдан қўрқмасдан ўмараётган кимсалар ҳам бор экан.

Ана шундай нокаслардан бири Урганч туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида истиқомат қилиб келган, илгари икки марта судланган бўлсада, эски «ҳунари»ни ташламаган 26 яшар Даврон Тиллаев бўлиб чиқди. У шу йил 1 январдан 2 январга ўтар кечаси таниши Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси 122-уйда яшаб келган Йўлдош Хўжаков билан олдиндан тил бириктириб, Урганч тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги 13-бўлими ҳудудидаги Шайх Шароф бобо қабристонидаги масжиднинг қулфини бузиб ичкарига киradилар ва учта гилам, иккита палос ва уч дона кўрпачаларни — жами баҳоси 49100 сўмлик молларни ўғирлашади ва Урганч шаҳар деҳқон бозорига олиб бориб Сора Мадаминова исмли аёлга ўн беш минг сўмга пуллашиб, чўнтакларига тушган пулни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

Осонгина пул топишнинг йўлини топган бу «оғайни»лар ўз жиноий ҳаракатларини давом қилдириб, Урганч тумани Жалолиддин Мангуберди номли жамоа хўжалигининг 5-бўлимида жойлашган Картик бобо қабристонидаги қубрнинг эшигини бузиб, ичкарига кириб ерга тўшалган бир палосни олишади. «Овлари» унчалик бароридан келмаганидан хафсалалари пир бўлиб, қубр ичидаги авлиё бобо қабри устига ташланган қиммабаҳо матоларни ҳам олишади. Бу молларни ҳам доимий мижозлари бўлмиш С. Мадаминовага уч минг сўмга пуллашди.

Майли, Даврон Тиллаев ҳали ёш экан, лекин 46 яшар Йўлдош Хўжаковни бу пасткашликка нима ундади экан? Салкам эллик минг сўм турадиган буюмларни уч ҳисса арзонга олаётганда Сора Мадаминова наҳотки шубҳаланмаган бўлса?!

Мўминларнинг Оллоҳ уйи — масжидларга ёмон ният билан қадам қўймасликлари, ота-боболари ҳоки ётмиш масканларни оёқости қилмасликларига ишонган ва ўрганган фуқаролар одатда қабристонлар, масжидларни кеча-кундуз қўриқлашни ўйлашмайди. Ана шундан фойдаланган Д. Тиллаев навбатдаги сафар тағин «ов»га Урганч туманидаги С. Қаландаров номли жамоа хўжалигининг 14-бўлими ҳудудида жойлашган Уч Муҳаммад бобо қабристонидаги масжидни «нишонга олди». Бу сафар унинг шериги ўзгарган, Ҳонқа туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида яшаб келган Отабой Рўзимбоев «осон ўлжа» эгаси бўлишни хаёл қилиб Давронга эргашганди. Тунги шарпалар қабристон масжиди эшигини бузиб ичкарига кирдилар. Қарасалар бу ерда аввалги масжидлардагидек гиламлар йўқ экан. Лекин, борига барака қилган «шоввозлар» бир дона газ чойнаги, чинни чойнакни, бир неча дона сочиқни, 6,5 литрлик пахта ёғини олишди. Улар шу қадар пасткашликка боришдики, шу ерда турган бир қути чойни ва беш қути гугуртни ҳам қолдиришмади.

Ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли қабристон қароқчилари қўлга олиндилар...

■ **Б. БОБОХОНОВ. Урганч туман ички ишлар бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти.**

НИЗОМИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

КЎППАРТИЯЛИЛИК ТИЗИМИ ВА ҚАРОР ТОПИШИ

диган идораларида ўз вакилларининг ўрин эгаллашлари учун курашар эканлар, уларнинг аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак, деб таъкидлаган эди.

1999 йилдаги сайлов мавсуми мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ўз ривожланишларида қотиб қолмаганликларини кўрсатди. Уларнинг сайловлар арафасида эълон қилинган ҳужжатлари сиёсий партияларнинг ўз дастурий мўлжалларини белгилашда муайян ўзига хослик касб этганликларини намойиш этди.

Бундай ўзгаришнинг етарлими ёки бундай эмаслигини фақат ягона холис ҳакам — электорат (сайловчилар) ҳал этиши лозим эди. Амалда шундай бўлди. Сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партия, унинг якунларига баҳо бериб, ўзининг парламентга муайян таъсири хусусида гапириши мумкин. Аммо, бир ҳақиқат аён: 1999 йилги сайловларда (1994 йил сайловларидагидек) биронта ҳам сиёсий партия депутатлик ўринларининг, ҳаттоки, учдан бир қисмини ҳам эгаллай олмади. Ваҳоланки, конституциявий қонунларни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатлари овозларининг учдан икки қисмига эга бўлмоқ (яъни белгиланган миқдор даражасида) талаб қилинади.

Бу ҳолатни турлича изоҳлаш, масалан, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг нотакомиллиги ёки сайловларни ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар хусусида гапириш мумкин. Аммо, масалага ўз-ўзини танқид руҳида ёндошсак, (жиддий сиёсатчилардан айни шундай қилиш талаб этилади), шу нарсани тан олишимиз керакки, мамлакат сайловчиларининг кўпчилиги сиёсий партияларда ўзларининг манфаатларини ифода этувчи ва уларни, парламент фаолияти орқали, изчил рўёбга чиқарувчи кучни кўрмяптилар.

Учинчи. Ривожланган демократик давлатларда сиёсий партияларнинг етакчилик мавқеига эришишларини таъминловчи ранг-баранг шакл ва воситалар мавжуд. Шулардан кўп учрайдигани — турли сиёсий кучларнинг парламент блоки (келишув асосида тузиладиган бирикма) ва коалициялари (иттифоқлари)ни тузишдир. Шунингдек, турли сиёсий партияларнинг бирлашишлари, қўшилиб кетишлари ҳам мумкин. Бироқ, бу камдан кам учрайдиган нарса. «Ватан тараққиёти» партияси ва «Фидокорлар» Миллий демократик партиясининг бирлашуви Ўзбекистоннинг ҳам демократик тараққиёт қонуниятларидан четда қолмаётганлигидан далолат беради.

Дастурий мўлжаллари ўзаро яқин икки сиёсий партиянинг қўшилиб кетишидан кўзланган мақсад — мамлакат парламентида бирлашган партиянинг таъсирини кучайтириш ва сайловчилар орасида ўз тарафдорлари сонини кўпайтириш эканлиги шубҳасиз. Бу демократия ривожланган кўпчилик давлатларга хос ҳодиса бўлганлиги учун, ундан ҳайратда қолмаслик керак.

Бундай воқеанинг юз бериши Ўзбекистонда демократиянинг ривожланиши жаҳон ҳамжамияти тараққиёти ўзанларида бўлаётганлигини исботловчи яна бир мисолдир. Шундай бўлса-да, газетхонларнинг ушбу воқеа тўғрисида бирёқлама хулоса чиқармасликларини истар эдик.

Жаҳон тажрибасига кўра, сиёсий кучларнинг қўйилган мақсадга эришиш йўлидаги ҳар қандай бирлашуви мураккаб иш бўлиб, уларнинг иштирокчиларидан ўзаро муросага бориш ва сабр-бардошли бўлишни талаб қилади.

Одатда, бирлашиш тўғрисида қарор қабул қилинишидан, то янги бирикманинг сиёсий тизим субъекти сифатида амалда шаклланишига қадар, узоқ ташкилий ва сиёсий йўл босиб ўтилади. Бирлашган «Фидокорлар» партиясининг ҳам, шубҳасиз, кўзланган марраларга етмоқ учун кўп саъй-ҳаракатлар қилишига тўғри келади.

Янги ташкил топган сиёсий партиянинг ички ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда, унинг раҳбарияти ушбу мураккаб масалаларни ҳал этишга тиришадилар ва бу ишда сиёсий донишмандлик намунасини кўрсатадилар, деб умид қиламиз.

Зотан, бу демократик ривожланиш йўлида мустақил Ўзбекистоннинг тўплаётган тажрибасини бойитишга кўмаклашади.

Тўртинчи. Партиялар-нинг бирлашуви, блоклар ва коалицияларнинг тузилиши катта салоҳиятга эга бўлса-да, ўз моҳияти жиҳатидан, у — тактик қадамдир. Жаҳон тажрибасидан маълумки, мустақил сиёсий партиялар ёки бирлашган сиёсий кучлар муваффақияти учун, улар ўз фаолиятларининг мазмунини такомиллаштириш устида тинмай меҳнат қилмоқлари даркор.

Бу талаб парламентга ўз вакилларининг сайланишига эришган барча сиёсий партияларга тааллуқлидир. Жумладан, парламентдаги энг йирик партиявий фракцияга эга бўлган «Фидокорлар» бирлашган партиясига ҳам дахлдордир. Чунки, у шундан кейин ҳам Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиш имкониятига эга эмас.

Демократик дунёда навбатдаги сайловларда сиёсий етакчилик ўрни (яъни сайловчилар овозлари) учун кураш сайловлар бўлиб ўтган куннинг эртасига бошланади, деган ҳаётий қоида мавжуд. Бунда сайловчининг сиёсатчи эмаслиги ҳамиша эсда тутилади. Унинг учун сиёсат инсон фаолиятининг унчалик муҳим бўлмаган жабҳаларидан биридир.

Ҳозирги кунда сиёсий партиялар бунга риоя қилиб, фуқароларни қизиқтираётган долзарб муаммолар билан, албатта, шуғулланиши керак деганидир. Турмушда дуч келаётган муаммолар — янги иш ўринларини ташкил этиш, касби ва малакасига мос ҳамда муносиб, ҳақи тўланадиган иш билан таъминлаш; болалари таълим олаётган мактаблар, тиббий ёрдам кўрсатадиган поликлиникаларнинг иши: коммунал хизмат кўрсатиш (иссиқ ва совуқ сув, газ, электр энергияси билан таъминлаш) соҳасининг фаолият кўрсатиши; йўл транспортининг хизмат кўрсатиш даражаси; аҳоли мададталаб гуруҳларини ижтимоий муҳофаза қилиш; минтақавий ривожланиш, маҳаллий ва коммунал хизмат муаммолари, яъни халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари тасарруфидаги масалалар, электоратга яқинроқдир.

Ушбу масалалар билан шуғулланиш партиямиз сиёсатини ерга уриш эмаслигини тушунишимиз лозим. Шундай муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этишнинг амалий йўл ва воситаларини таклиф этиш — сиёсий санъат эканлигини демократик мамлакатлар тажрибаси яққол кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, парламент демократияси ривожининг мантиқидан минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик масалалар беш йилдан кейин бўладиган сайловларда фуқаролар овозлари учун курашнинг асосий соҳаси бўлади, деган хулоса чиқариш мумкин.

■ **М. ЕЛЬШОВ,**
сиёсатшунос

МАРҲАБО, КИНОФЕСТИВАЛЬ!

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри кўча-хиёбонлари байрам либосида. Айниқса, кинотеатрлар олдидаги афишалар кўзни қувонтиради. Эртага шариф шаҳарда ўзбек миллий фильмларининг учинчи фестивали тантанали очилади. Ўзбек киносига бешик бўлган бу шаҳар ҳозирданоқ меҳмонларни қучоғига олмоқда. 130 дан ортиқ таниқли кино усталари қатнашадиган фестивалда «Алпомиш», «Чимилдиқ», «Қисмат», «Аёллар салтанати», «Феллини» сингари сара фильмлар ҳужжатли ва мультипликацион асарлар беш кун давомида намойиш этилади. Биргина бу эмас, бухоролик томошабинлар эл севган актёрлар, мультипликаторлар билан учрашадилар. Фестивалга тақдим этилган фильмлар ҳақида фикр-мулоҳазаларини айтадилар. Қизиқарли учрашувлар, баҳслар, шоу-концертлар фестивални ҳақиқий санъат байрамига айлантириши, шубҳасиздир. Хуллас, бу йилги фестиваль янги номларни, янги ғолибларни аниқлабгина қолмай, балки санъатсевар халқимизни истиқлолни кўз қорачиғидек асрашга яна бир бор даъват этади. Марҳабо, кинофестиваль!

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

АҚШНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Тошкентга АҚШнинг «Americares» мурувват ташкилоти томонидан тақдим этилган инсонпарварлик ёрдами ортилган юк самолёти келиб қўнди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси учун мўлжалланган 28 тонналик мазкур юк дори-дармон, тиббий жиҳозлар ҳамда санитария ва гигиена буюмларидан иборат бўлиб, унинг қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг.

Ўзбекистон билан «Americares» ўртасидаги ҳамкорликка 1997 йили асос солинган. Ўша йилнинг март ойида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан «Americares» ташкилоти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бу келишув доирасида 1999 йилда Ўзбекистонга 60 тонна дори-дармон ва тиббий жиҳозлар келтирилган эди.

АҚШнинг хусусий нотижорат мурувват ташкилоти бўлмиш «Americares» 1982 йили ташкил этилган. У жаҳондаги энг йирик мурувват ташкилотларидан бири саналади. «Americares» инсонпарварлик ёрдами сифатида дунёнинг турли бурчакларига дори-дармон, тиббий жиҳозлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш билан шуғулланади. Ўзининг қарийб йигирма йиллик фаолияти давомида «Americares» дунёнинг юз ўттиздан ортиқ мамлакатига умумий қиймати 2,5 миллиард АҚШ долларига тенг миқдорда турли маҳсулотлар етказиб берган.



ЧЕГАРАЧИЛАР БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Афғонистондан Тожикистонга ўтишга уринган қуролли гуруҳ россиялик чегарачилар томонидан тўхтатиб қолинди. Маълумотларга қараганда, чегарачилар аввалига қонунбузарларни тўхтатиш мақсадида уларни огоҳлантириш учун ҳавога ўқ отган. Бироқ, босқинчи гуруҳ чегарачиларни ўққа тутган. Қисқа отишмадан сўнг чегарачилар уч нафар Афғонистон фуқаросини қўлга олган, яна учтаси эса қочишга улгурган. Воқеа содир бўлган жойдан қуроллар, алоқа жиҳозлари ва пул топилди. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ОЛИЙ ЖАЗОГА ТОРТИЛДИ

Хитой парламенти доимий қўмитаси раисининг порахўрликда айбланган собиқ ўринбосари Чэн Кэцзе олий жазога ҳукм этилди. Маълум бўлишича, у Гуанси-Чжуан мухтор туманига раҳбарлик қилган чоғида маҳаллий ишбилармонлардан жами 41 миллион юан (4,9 миллион АҚШ долларига тенг) миқдорида пора олган.



Хитой. Осмонда сайр

ПРЕЗИДЕНТЛАР КЕЛИШУВИ

АҚШ Филиппин қуролли кучларига назорат кемаси ва саккизта ҳарбий вертолёт беради. АҚШ мудофаа вазирлиги вакили Кеннет Бейкон шундай баёнот берди. Унинг таъкидлашича, Филиппин президенти Жозеф Эстрада ўтган ҳафта АҚШга қилган сафари чоғида Оқ уй раҳбари Билл Клинтон билан учрашиб, мазкур масала бўйича келишиб олган.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Ашхободда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва БМТ бош котибининг махсус вакили Франсиск Вандрелл Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида музокара ўтказди. Учрашувда Туркманистон афғон муаммоси бартараф этилиши тарафдори ва бу борада БМТ билан ҳамкорликда вазиятни юмшатиш йўлларини излаётгани таъкидланди.

ТЎРТИНЧИСИ ҚУРИЛМОҚДА

Франция ҳукумати тўртинчи атом сувости кемасини қуришга қарор қилди. У 2008 йилда Франция ҳарбий-денгиз кучларига топширилади. Айни пайтда Франциянинг икки шундай кемаси бор. Учинчиси 2004 йилда фойдаланишга топширилади.

Маълум бўлишича, янги кема олдингиларидан овозининг ўта пастлиги билан фарқ қилади. У 6 минг километргача бўлган масофадаги нишонни ура оладиган "М-51" русумли ракеталар билан жиҳозланади. Янги кема қурилишига 87 миллиард франк (14,5 миллиард АҚШ долларига тенг) миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

МАҚСАД АМАЛГА ОШМАДИ

Тожикистон — Афғонистон чегарасида хизмат қилаётган россиялик чегарачилар ўттиз килограммдан ортиқ героинни қўлга олди. Хабарларга қараганда, беш нафар контрабандачи Панж дарёси орқали Тожикистонга ўтаётганда, чегарачиларга дуч келган. Жиноятчилар юкни ва қуроллароғларини ташлаб, қамишзорга яширинишган, кейин умуман қочиб кетишга улгурган.

ТОШ АСРИДА ЖАРРОҲЛИК

Франция ва Германия чегаралари оралиғидаги Энсем деган жойда бир гуруҳ немис ва француз археологлари эрамиздан аввалги V минг йилликка тааллуқли ғаройиб топилмани топишди. У одамнинг бош суяги бўлиб, унинг ғаройиблиги шундаки, бош суяк трепанация (суякни пармалаб тешиб, касал жойни аниқлаш ва даволаш) қилинган экан. Археологик қазишмалар раҳбари Кристиан Женесснинг айтишича, у бош суякда жарроҳлик операцияси ўтказилган энг қадимги топилмадир. У жарроҳ ёрдамига муҳтож бўлган 50 ёшлардаги эркак кишининг бош суягидир, деб ҳисоблашмоқда олимлар. Жарроҳлик қўлда амалга оширилган. Яна шу нарса аниқландики, мижоз операциядан сўнг узоқ умр кўрган.

Инсоният ҳали ёзувни билмаган тош асрида шифокорлик санъати мукаммал эгалланганлиги олимларни ҳайрон қолдирмоқда. Ва шунинг учун ҳам бу операцияни одамлар эмас, цивилизацияси ўта ривожланган ўзга сайёраликлар қилган бўлиши мумкин, деган фантастик фаразлар ҳам ўртага ташланмоқда.

МЕЪЁР — БОШ ОМИЛ

Буюк британиялик мутахассислар 400 нафар қариянинг одатларию ўзларини қандай тутишларини роса 12 йил кузатишди. Ва қуйидагича хулосага келишди: кимки 60 ёшгача меъёрдаги муддатларда ярим стакан қизил вино ёки бошқа бирор спиртли ичимлик ичишни канда қилмаган бўлса, ёш ўтгани сари пайдо бўладиган қобилият заифлашуви бошқаларга қараганда бир қадар секинроқ кечаркан. Аммо шуни унутмаслик керакки, вино-арақни кўп ичувчиларда аксинча, қобилият заифлашуви жиддий тус оларкан.

Ушбу тадқиқот раҳбари, доктор Йорг Цервилланинг тан олишича, бундай фавқулодда кўринишни ҳозирча аниқ тушунтириб бериш қийин. Лекин меъёрдаги дозада ичилган спиртли ичимлик бош мия қон томирларида атеросклероз касаллигининг ривожланишига тўсиқ бўлади, дея ҳисоблашмоқда. Шунингдек, Альцгеймер касалликлари бўйича яқинда бўлиб ўтган халқаро конференцияда ҳам спиртли ичимликни меъёрда истеъмол қилиш кишида қариган сари юз берадиган ақл-идрок сусайишининг олдини олиши алоҳида таъкидланди. Демак, меъёр — бош омил эканлигини унутиш ақлсизликдан ўзга нарса эмас.

ТАЖОВУЗКОРЛИК — ЮРАКНИНГ ДУШМАНИ

Яқинда америкалик олимлар шу нарсани тасдиқлашдики, ёшларда юрак касаллигининг ўсиши улардаги тажовузкорлик белгилари қанчалик намоён бўлиши билан боғлиқ экан. 1985 йили бир гуруҳ шифокорлар тест ёрдамида 374 нафар қиз ва ўғил болалардаги тажавузкорлик даражасини аниқлаган эдилар. Мана энди орадан 15 йил ўтиб олимлар хулоса чиқаришди: қайсики ўғил ё қизда бахиллик, тажовузкорлик аломатлари кўпроқ намоён бўлса дўстона кайфиятдаги, самимий тенгдошларига қараганда ўша ўсмирда юрак касалликларининг белгилари эртароқ уйғонар экан. Ва тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тажовузкорлик қон босимининг ошишига олиб келади. Демак, ўз-ўзидан маълумки, бундай шахслар чекишга ва ичкиликка ружу қўяди. Бу ҳам ўз навбатида юрак, жигар ва ўпка хасталикларини чақиради. Бундан ташқари организмда модда алмашинуви бузилади.

ФИЗИКЛАР — ДАХРИЙЛАРДИР

Худога сиғиниш, унга эътиқод билан яшаш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида — кимдир худо борлигига ишониб яшайди, кимдир...

АҚШлик мутахассислар олимлар орасида худога эътиқод нечоғли эканлигини билиш мақсадида сўровлар ҳам ўтказишган. Бундай сўровнинг биринчиси 1916 йили ташкиллаштирилганди. Ўшанда тахминан мингта олимнинг 40 фоизи худога ишониб яшашини айтганди. 1996 йили ўтказилган сўровнинг ҳам натижаси деярли шундай бўлган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, математик олимлар орасида динга эътиқод қўйганлар кўпроқ экан, яъни 44,6 фоизни ташкил этган. Энг кам ишонувчилар эса физиклар ва астрономлардир. Уларнинг атиги 22 фоизигина иймон-ихтиёрини дин билан боғлаганлар.

РЕЖАДА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАР

Япония ўз ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йилгача коинотга жами саккизта сунъий йўлдош учирмоқчи. Синхуа ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, айни пайтда Япония 2002 йилгача коинотга тўртта сунъий йўлдош олиб чиқиш тўғрисида режа ишлаб чиққан.

(ЎзА)

«ЗАНГИОТА»НИНГ ШИФОСИ

Юртимизда сўлим гўшалар, оромгоҳлар жуда кўп. «Зангиота» шулардан бири, мўъжазгина шифо маскани. 1985 йилда ташкил топган. Бир қарашда уни бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида жиҳати йўқдайин. Табиати сўлимлиги десам ундан-да кўркам жойларимиз бор. 10 гектар майдонни эгаллаган сиҳатгоҳ атрофини асосан игна баргли дарахтлар қуршаб туради. Бир гектар игна баргли дарахтзор суткасига 90 тонна бизга соф ҳавони ишлаб чиқаришини ўйлаб кўрганмисиз? Шунданам «Зангиота» ҳавоси танингизга даво бағишлайди-да.

Баъзида бошлиқ билан суҳбатлашсангиз, «пул йўқ, маблағ йўқ» дейди фиғони фалакка чиқиб. «Зангиота» сиҳатгоҳи бош шифокори Фахриддин Сайдалиев билан хушманзара боғни айлана туриб, одатий савол:

— Муаммолар борми? — дедим. У киши ҳозир куйиниб, муаммоларни санаб ўтади деб турдим. У негадир куйинмади, мийиғида кулимсираб:

— Муаммоми? Муаммодан кўпи йўқ. Лекин муаммони — муаммо деган билан у ечилармиди? Ҳар қандай тугунни ечиш учун чорасини излаш керак. Бизнинг сиҳатгоҳ хўжалик ҳисобида ишлайди. Бу ўз аравасини ўзи тортади, дегани-да. Модомики, шундай экан ҳар қандай муаммо ечимини ўзимиз топмасак бўлмайди.

«Зангиота» санаторийсида асосан урологик — буйрак касаллиги билан оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, ўт пуфаги, жигар, ошқозон-ичак хасталиклари билан оғриган беморлар даволанишади. Даво маскани ҳозирча 80 ўринга мўлжалланган. 30 нафар малакали тиббий ходимлар меҳнат қилади. Беморлар асосан физиотерапия, балчиқ, ванна, маъданли сув билан даволанадилар. Кадрлар бўлими бошлиғи Муяссар Раҳмонова «Бизда ёмон ходим йўқ, ҳаммаси намуна» дейди ярим ҳазил, ярим жиддий тусда. Физиотерапевт Муҳаббатхон Ғофурова, Нигорахон Исхонбекова, тиббий ҳамшира Мухтабар Маҳмудова, Марҳамат Болтабоева, Шодия Бакиеваларнинг малакали тиббий хизматидан дам олувчилар миннатдордирлар. Эл севган санъаткор Гавҳар Раҳимова ҳам шу масканда даволанаётган экан.

— Дунёнинг манаман деган санаторийларида даволанганман. Чунки 40 йилдан буён ошқозоним, буйрагим безовта қилади. Шу ерга келдим-у, очиғи, ҳайрон қолдим. «Зангиота» сувидан шифо топдим. «Ўз сувим»нинг қудратидан дардим енгиллашди, — дейди Гавҳар хоним.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология маркази мутахассислари янги топилган Зангиота булоғининг таркибини етти йил ўрганди, шифобахшлик хусусиятини аниқлади. Бу ердан бир кеча-кундузда 1,5 минг куб метр миқдорда ҳарорати 75 даражали маъданли сув чиқяпти. Олимларнинг фикрича, Зангиота суви шифобахш элементларга бойлиги жиҳатдан Трусковец, Сочи, Кисловодск ва дунёдаги бошқа маъданли сувлардан устун экан.

Трусковец санаторийсида бир неча бор даволанганман. Кечаси сувнинг таркиби ўзгаради, яъни «фойдалилик» даражаси «пасаяди», дейишарди врачлари. Шу мулоҳазамни Фахриддин Сайдалиевга айтдим.

— Йўқ, бу сув жуда чуқур — 2050 метр ер қаридан чиқади. Сиз айтган «пасайиш» унга таъсир этолмайди. Шунданам маъданли сувнинг шифобахшлиги юқори ҳисобланади, — дейди у.

Маълумотларга қараганда, республикамизда 1 миллиондан ортиқ буйрак хасталигига чалинган беморлар бор. Албатта, бу расман рўйхатдан ўтганлари. Баъзан одамлар дардига малҳам истаб, қаёқларга бориб даволаниб келишади. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ дегандайин, шундоққина пойтахтнинг биқинидаги «ўз сувимиз»дан янада кенгроқ кўламда фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлмасмикан? 80 тага мўлжалланган ўринлар сонини республикадаги касаллар сони нисбатига мутаносиб дейиш қийин-да. Бош врач айтмаса-да ҳали муаммолар бисёрлигига шубҳаланмадим. Албатта, ҳамма нарса маблағга бориб тақалади. Лекин қаловини топса, қор ҳам ёнади. Фахриддин Сайдалиевнинг саъй-ҳаракатлари бу муаммоларни ечади, деб ўйлаймиз.

Элимиз саховатли. Ҳамиша эзгу ишга мадад берувчи одамлар топилади. Ажабмас, саховатли ҳоми йлар топилса, имкон қадар мурувват кўрсатиш нияти туғилса. Яхши ният ярим давлат, дейишади-ку.

■ Саида САЙХУН

ҲАЙДОВЧИЛАР, ОГОҲ БЎЛИНГ!

Барчамиз биламизки, бугунги кунни автомобилсиз тасаввур қилиш қийин. Шунингдек, ушбу техника асрида юзага келаётган экологик мувозанатнинг бузилиши сабаб дори-дармонсиз ҳам яшаб бўлмайди. Аммолекин дори экан деб барчасини ичавериш ҳам... Айниқса, рулга ўтирадиган бўлсангиз, дори истеъмол қилишда ўта эҳтиёткорлик талаб этилади. Ва албатта, истеъмолдан аввал таблеткаларда ёзилган тавсияномалар, шунингдек, акс таъсир этиш кучи қандайлиги ўқиб чиқилиши шарт. Айнан ўшанда қандай вазиятда ушбу дори мумкин-у, унинг қандай акс таъсирлари борлиги ҳақида билиб оласиз.

Қисқаси, автомобилда йўлга чиқмоқчи бўлганлар йўлга чиқишдан аввал марказий асаб тизимига таъсир этувчи, уйқуни чақирувчи, бош айланишини вужудга келтирувчи, диққат-эътиборни сусайтирувчи айрим дориларни, яъни уйқу дори, тинчлантирувчи ёки руҳий сиқилишга қарши, томир тортишига қарши ва турли тошмаларга қарши (пипольфен, тавегил, супрастин) дориларни истеъмол қилмаганлари маъқул. Тўғри, йўлга чиқишдан олдин ким ҳам уйқу дорини ичарди, бу кулгили албатта. Аммо шуни унутмаслик керакки, бир кун аввал ичилган уйқу дори эртаси эрталаб ишга кетаётганда рулдаги киши учун ҳалокатли воқеликни келтириб чиқариши мумкин. Негаки, айрим дориларнинг организмга таъсир кучининг давомийлиги 10 соатдан 70 соатгачадир. Булар диазепам, медазепам, радедорм, тазепам, элениумлардир.

Амалиётда шу нарса кузатилганки, юрак оғриғига қарши воситалар (атенолол, метацин, платифиллин, пирензипин) кўзнинг тез илғаб олиш ва кўриш қобилиятини сусайтириши мумкин.

Йўтал ва бош оғриғига қарши йўлда ичилган дорилар ҳам ҳайдовчи учун хавфсиз деб бўлмайди, айниқса, таркибида кодеин бўлган трамедол, трамалт ретард, пенталгин, седальгин таблеткаларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланилгани маъқул. Сурғидори ҳақида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади. Демак, юқорида қайд этилган дорилар истеъмол қилинса, рулга ўтирмаганингиз маъқул. Шунда йўлдаги турли кўнгилсизликларнинг олдини олган бўласиз.

Ўйлаймизки, яқин йилларда ҳайдовчилар ҳаракатига акс таъсир этувчи таблеткаларда «ҳаракатда тақиқланади» деган ёзув пайдо бўлса ажаб эмас. Ҳозирча эса таблеткаларнинг «противопоказания»си (акс таъсири)ни эринмай ўқиб чиқиб, сўнг истеъмол қилишингизга тўғри келади.

ВИРУСГА ҚАРШИ КЎЛҚОПЛАР

Жарроҳлик машаққатли касб ва у ўта эҳтиёткорликни талаб этади. Операция давомидаги салгина эҳтиётсизлик жарроҳ учун ҳам, бемор учун ҳам қимматга тушиши мумкин, яъни касалликни юқтириб олиши ёки юқтириши мумкин.

Статистик ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар 20 минутда дунёнинг қайсидир бурчагида бир жарроҳ операция давомида ўзини жароҳатлаб оларкан ва ўз-ўзидан аён бўладики, шунча дўхтир бемордан вирус юқтириб олади ёки аксинча. Бундай бўлмаслиги учун шу пайтгача жарроҳлардан фақат эҳтиёткорлик талаб этиларди холос. Вируслардан муҳофазаланиш учун бошқача йўл йўқ эди. Эндиликда эса унинг ҳам олди олинадиган бўлди: немис ва француз мутахассислари жарроҳлар учун махсус қўлқоплар яратишди. Бу қўлқоплар ташқи кўриниш бўйича аввалгилардан умуман фарқланмайди. Фақат унинг тузилиши бироз ўзгартирилган, яъни икки қават қилиб яратилган. Бу қаватлар оралиғида эса кучли антивирус моддаси бор. Айнан шу модда инфекция юқишининг олдини олади.

■ Рукн материалларини ҳамшира Зулхумор СУЛТОНОВА тайёрлади.

КЎЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

ОНАМГА ЎХШАМАЙСАН

Аёл кўчада тасодифан учрашиб қолган дугонасига ҳасрат қопчиғини очиб қолди:

— Кўрган куним қурсин, ўртоқжон. Биласанми, эрим ғирт гумроҳнинг ўзи-я. Унга онаси бўлса бўлди, дегин. «Сен онамга ўхшамайсан!» топган гапи шу. Икки гапни бирида, онам ундоқ, онам бундоқ, «Онам бунақа қилмайди», «Онамни кўрсайдинг», «Онам бунақани жинидан ёмон кўради», дея жавраши, очиғи, ҳалқумимга келди. Мен унинг назарида, итнинг кейинги оёғидаймиш гўё... Қанийди шу онаси...

— Куйинма, йўли бор. Шундай қилгинки, у сени кўрганда осмондан фаришта тушибдими деб ўйласин. Эринг ишдан қайтишига ясан-тусан, упа-элик, ноз-фироқ билан кутиб ол. Қарабсанки, онасини унутади-қўяди.

Қисқаси, кечқурун аёл эрини ишдан қайтишига бошдан-оёқ яп-янги, шу куннинг сўнгги русумидаги башанг либос-қора барқут кўйлак, қора шарф, қора пайпоқ, қўйингки, тирсагигача қора қўлқоп кийиб кутиб олди.

Эр хотинига бошдан-оёқ тикилди, талмовсираб елкаларидан маҳкам қучди-да:

— Вой, худойим, нега қопқорага буркандинг? Онам?! Онамга нима бўпти? — деди.

КИТОБХОН ЭР

Тунда одатдагидай ширакайф уйга қайтаётган эр ўйлади: «Ҳозир ҳойнаҳой хотиним бобиллаб вайсай бошлайди. Бир боплаб «чап» берайки, астагина ошхонага ўтаман-у, ўзимни китоб ўқиганга соламан» ичида мириқиб кулди эр.

Хотин ошхонага кирди:

— Ҳа ярамас, яна заҳарингга отдингми?

— Алжирама хотин, кўрмаяпсанми, китоб ўқияпман.

— Э, бетайин, ёп жамодонни, ётиб ухла.

БОЛА КИМГА КЕРАК?

Икки эркак зўр бериб баҳслашарди: жазман билан хотиннинг фарқи нима?

— Жазманга пул керак, — берди биринчиси.

— Хотинга эр керак, — деди иккинчиси. — Унда бола кимга керак? Эрга! Билдингми?

— Эрга дегин, шунинг учун хотиним болани менга ташлаб жазманини билан кетган экан?!

ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ



Шавкат АКРАМОВ олган сурат

СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

МЎЛЖАЛ ОСИЁ КУБОГИ

Мамлакатимиз ёшлар футбол терма жамоаси Осиё кубоги учун ўтказиладиган баҳсларга шайланмоқда. Улар Қибрайдаги спорт мажмуасида бир неча ўртоқлик учрашувларида куч синашдилар. Терма жамоа 13 август куни Саудия Арабистонига йўл олади. Ёшларимиз у ерда 17 августда Қирғизистон, 19 августда Яман, 21 августда Саудия Арабистони, 23 августда БАА футболчилари билан саралаш учрашувларини ўтказадилар.

ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

Каратэчиларимиз Лас-Вегас шаҳрида таниқли актёр Чак Норрис усули бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этдилар. Фестивалнамо баҳсда 20 давлатдан келган 800 спортчи қатнашди. Мусобақалар каратэ, таэквондо ва кикбоксинг бўйича уюштирилди. Каратэчиларимиз «Замин» нишонига сазовор бўлишди. Жамоа баҳсида Хўжамқул Хўжақулов билан Бахтиёр Розиқов фахрли 3-ўринни эгаллашди.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги тракторлар эҳтиёт қисмларини таклиф этади
Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторлар ҳамда ҳар хил русумли юк ташувчи автомобилларнинг 500 дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхозэапчасти» дўкони.
Телефон: (3712) 96-63-21, 191-93-82.

ТАШКИЛОТ
«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади
ҲАҚ ТЎЛАШ—ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН
МАНЗИЛ: Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.
Телефон: 54-56-97. Факс: 54-49-11. Пейжер: (067) 90-79

Хўжалик раҳбарлари, фермерлар, барча тадбиркорлар диққатига!

МЕВА-САБЗАВОТНИ КЎЗЛАНГАН МАНЗИЛГА ЕТКАЗИШ КЕРАКМИ?

ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁРМИЗ!

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг бош фрахт агенти —
«ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

UZBEKZHELDOREXPEDICIA

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилда ҳўл мева-сабзавот маҳсулотларини марказлаштирилмаган ҳолда экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори изчил бажарилишига ҳисса қўшиш мақсадида ҳўл мева-сабзавотларни ва консерва маҳсулотларини МДҲ мамлакатлари темир йўллари орқали Ҳамдўстликнинг исталган нуқтасига етказиб бериш бўйича экспедиция хизмати кўрсатишнинг барча турларини адо этмоқда.

«ЎЗБЕКТЕМИРЙЎЛЭКСПЕДИЦИЯ» давлат корхонаси сизларга қуйидаги хизматларни таклиф этади:

- юкларни МДҲ ва олис хориж мамлакатлари ҳудуди бўйлаб ташиш-экспедиция хизмати;
- юкларни қидириш, улар белгиланган станцияга етиб боришини кузатиш;
- маҳсулот жўнатиш учун талаб этиладиган барча ҳужжатларни расмийлаштириш;
- маҳсулот жўнатувчини ўша жойнинг ўзида икки кун ичида юк вагонлари билан таъминлаш;
- исталган турдаги вагонни исталган юк жўнатиш станциясида таъмирлаш;
- суғурта хизмати.

«Ўзбектемирйўлэкспедиция» давлат корхонаси Ўзбекистон Республикасидан жўнатилган юклар Қозоғистон ҳудудида ташилишида тарифларга кўра қуйидаги чегирмаларни татбиқ этади:

— ҳўл мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотларини рефрижераторли вагонларда ташишда 50 фоиз чегирма;

— ёпиқ вагонларда — 40 фоиз ҳажмида;

— вино ва вино маҳсулотларини цистерналарда ташишда — 50 фоиз ҳажмида.

Ўзбекистон ҳудудида барча тез бузиладиган юкларни ташишда тарифларга кўра 50 фоиз чегирма татбиқ этилади. Шунингдек, Россия Федерацияси ҳудудида импорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотларини ташишда 50 фоизлик чегирма қўлланилади.

«Ўзбектемирйўлэкспедиция» давлат корхонаси «VISA» карточкаси бўлган мижозлардан хорижий давлатлар ҳудудида юкларни ташиш ҳақини эркин муомаладаги валютада қабул қилади. «Ўзбектемирйўлэкспедиция» давлат корхонаси 2000 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан нақд эркин муомаладаги валютани қабул қилиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида махсус валюта ҳисобини очган.



Бизнинг офис: «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Тарас Шевченко кўчаси, 7-уйдаги биносида жойлашган.

Телефонларимиз: (+998 712) 59-58-12; 59-66-92, 59-62-63, 136-43-52.

Ёзма сўровларингизни факслар: (+ 998 71) 133-45-49, 132-01-49; 132-04-36 ёки қуйидаги манзил бўйича электрон почта орқали йўллашингиз мумкин: uzbexzhd@online.ru.

Шунингдек, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Урганч, Қўнғирот шаҳарларидаги темир йўл бўлимлари биноларида жойлашган минтақавий бўлинмаларимизга ҳам мурожаат этишингиз мумкин.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Сахифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 602

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 22.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА